Общ.

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси**

**_____________ Қ.Р.Сариев**

44-б

“ 23 ” февраль 2018 йил

**“ К Е Л И Ш И Л Д И “**

**Қорақалпоғистон Республикаси прокурори адлия катта маслаҳатчиси**

**_____________ Р.Н.Рахматов**

“ ” февраль 2018 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сонли Фармони ижроси талабларидан келиб чиқиб

# Қ Ў Ш М А Ф А Р М О Й И Ш

“Ҳар ойнинг биринчи ва охирги ҳафталиги шанба куни” Ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга кўмаклашиш куни деб белгилансин.

Мазкур жараён ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ёлғиз бошли кексалар яшаётган уйларга бориб ўрганилади ва ушбу тадбирларга қуйидаги вазирлик, давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти, банклар, ўзини-ўзи бошқариш органлари жалб этилсин ҳамда уларга қонун талабларидан келиб чиқиб, ўзларига юклатилган мажбуриятларга кўра вазифалар юклатилсин.

Хусусан,

- **Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири** ўз мутахассислари билан (HYUNDAI) автомашинасида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация сифатини ошириш, давлат томонидан ажратилган бепул дори-дармонлар, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлик аравачаси билан таъминлаш ҳамда уларни стационар ёки амбулатор шароитда даволанишга муҳтожларини тегишли тиббиёт бирлашмаларига зудлик билан жойлаштириш, шунингдек, Республика ҳудудидаги санаторияларга бепул юбориш чорасини кўради.
- **Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими, Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирлари** - ушбу тоифа шахслар яшаётган уйларга бориб, оилаларда тарбияланаётган вояга етмаганларнинг коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиниши, уларнинг дарсларни ўзлаштириши, ўқув қуроллари билан таъминланганлиги ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масалаларини ўрганади.

- **Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига** қарашли Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи – хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ва бошқада масалалар,

- **Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига** қарашли Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи – фуқаролик паспортини олиш, ҳисобга қуйиш ва бошқада масалалар,

- **Қорақалпоғистон Республикаси ДСЭНМ бош шифокори** – хонадонларнинг тозалиги, ободончилиги ва бошқада масалалар,

- **Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири -** ўзлари ёки оиласининг бандлигини таъминлаш, моддий ва нафақа пулларини олишга мухтож оилаларни аниклаш ва бошкада масалалар,

- **Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири -** мухтожлигига қараб, қонунда белгиланган тартибда уларга моддий ва нафақа пулларини тўлаш учун молиялаштириш чорасини кўради ва бошқада масалалар,

- **Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҚР бошқармаси бошлиғи** – пенсияга чиқиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқада масалалар,

- **Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири** – ўрганиш тадбири белгиланган куни, ушбу тоифа шахслари яшаётган хонадонлар олдида концерт дастурларини ташкиллаштириб, намойиш қилади.

- **Марказий банк ҚР бошқармаси бошлиғи –** тижорат банклари билан бирга имтиёзли кредитлар тўғрисида тушунтириш беради ва хохишга кўра олишда ёрдам кўрсатади.

- **Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи** – солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва енгилликлар тўғрисида тушунтириш беради.

- **Қорақалпоғистон Республикаси Электр тармоқлари, газ, сув, Ободонлаштириш бошқарма бошлиқлари ва Уй-жой коммунал хизматини кўрсатиш вазири** – ушбу тоифа шахслар яшаётган уйларга бориб, соҳага оид масалаларни ҳал қилади.

- **Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпанияси бошлиғи** - учрашув жараёни тўғрисида видео лавҳаларни тайёрлаб махсус кўрсатув ва “ХАБАР” информацион дастури орқали кенг жамоатчилик эътиборига етказиб боради.

Мазкур ўрганиш жараёни дастлаб Нукус шаҳар мисолида ўтказилади.

Тадбир жараёнини оммалаштириш мақсадида мазкур қўшма фармойиш **туман (шаҳар) 4 та сектор раҳбарлари** эътиборига етказилсин ва улар томонидан жойларда ўтказилиши ташкиллаштирилсин.

Ўрганишга бириктирилган вазирлар белгиланган куни амалга оширган ишлари тўғрисида Республика Вазирлар Кенгаши ва прокуратурага ёзма равишда ахборот тақдим этсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов ва Республика прокуратурасиға** юқорида номлари кўрсатилган вазир ва уларнинг соҳа мутахассислари **24.02.2018 йили соат 10-00 да** (дастлаб Нукус Иқтисодиёт касб-ҳунар

коллежининг эски ётоқхонасида яшаётган 45 та оила, Нукус Туризм касб-ҳунар коллежининг ётоқхонасида яшаётган 41 та оила ва Нукус шаҳри Кок-озек МФЙ, 26 кичик туман, 5 уй 51, 52 хонадонларда) жойида бўлишини ҳамда ўрганиш ишларининг сифатли ва кўтарингки руҳда ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

2018 йилнинг биринчи ҳафталиги 03 март куни ўрганиш ишлари Хўжайли тумани Фуркат кўчаси, рақамсиз уйда яшовчи ёлғиз бошлилар, 1-сонли Республика Мехрибонлик уйи, Мурувват ва Тахиатош болалар уйларида ўтказилади.

Кейинги учрашувлар худди шу тарика туман (шаҳар) ларда давом этади.

Қўшма фармойиш ижроси қуйидаги тартибда барча масъулларга таништирилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Ички ишлар вазири**
**полковник**

____________ **А.Ж.Темирханов**
"     " февраль 2018 йил

**СВОЖЖДЛКК Департамеити**
**ҚР бошқармаси бошлиғи**
**адлия маслаҳатчиси**

____________ **Р.К.Садиков**
"     " февраль 2018 йил

**МИБ ҚР бошқармаси бошлиғи**
**адлия маслаҳатчиси**

____________ **Ж.М.Ермашов**
"     " февраль 2018 йил

**Молия вазири**

____________ **М.Садиков**
"     " февраль 2018 йил

**Халқ таълим вазири**

____________ **А.Аяпов**
"     " февраль 2018 йил

**Мактабгача таълим вазири**

____________ **Ж.Уснатдинова**
"     " февраль 2018 йил

**Ўрта махсус касб-ҳунар таълим**
**бошқармаси бошлиғи в/б**

____________ **П.Сейтмуратов**
"     " февраль 2018 йил

**Соғлиқни сақлаш вазири**

____________ **Д.Ходжаев**
"     " февраль 2018 йил

**ДСЭНМ бош шифокори**

____________ **Б.Кутлимуратов**
"     " февраль 2018 йил

**Телерадиокомпания бошлиғи**

____________ **Қ.Нағметов**
"     " февраль 2018 йил

**Маданият вазири**

____________ **П.Айтмуратов**
"     " февраль 2018 йил

**Электр тармоқлари АЖ бошлиғи**

____________ **З.Керимзатов**
"     " февраль 2018 йил

**ҚҚ Газ бошлиғи**

**_____________А.Худайназаров**
"    " февраль 2018 йил

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири**

**_____________Р.Сейтов**
"    " февраль 2018 йил

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири**

**_____________У.Сабуров**
"    " февраль 2018 йил

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҚР бошлиғи**

**_____________ Б.Пирниязов**
"    " февраль 2018 йил

**Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари**

**_____________А.Тажетдинов**
"    " февраль 2018 йил

**Марказий банк ҚР бошқармаси бошлиғи**

**_____________ Б.Алланиязов**
"    " февраль 2018 йил

**Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи**

**_____________А.Сапарбаев**
"    " февраль 2018 йил

**Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари**

**_____________М.Жуманов**
"    " февраль 2018 йил